

Ҳожи Лорд Ҳэдли Ал-Форуқ (Англия)



14:00 / 28.11.2018 2765

Таниқли сиёсатчи ва ёзувчи Буюк Британиядаги машҳур шахслардан бири бўлмиш Лорд Ҳэдли Ал Форуқ (Жорж Аллансон) 1855 йилда туғилган. 1877 йилда Кембриж дорилфунини имтиёзли диплом билан тугатиб, Британия армиясида капитан даражасида хизмат қилган. Колониал ишлар вазирининг тўртинчи полкидан лейтенант-колониал даражасида истеъфога чиққан. Ихтисослиги – муҳандис. Шу билан бирга, ажойиб адабий қобилияти ҳам бўлган. “Solsher journal” газетида муҳаррирлик қилган. Кўпгина асарлар ҳам ёзган. Айниқса, “Ғарблик Исломга интиломқда” номли асари жуда машҳурдир.

1913 йилнинг 16 ноябрида ислом динини қабул қилиб, исмини “Аш шайх Раҳматуллоҳ Ал Форуқ” деб ўзгартирган. 1926 йилда Ҳиндистон сафарига бўлган.

Нега мусулмон бўлдим?

Эҳтимол баъзи дўстларим мени «мусулмонлар таъсирига тушиб қолган», деб ўйласалар керак. Лекин Ислом динини қабул қилишимнинг сабаби кўп йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасидир.

Мени зиёли мусулмонлар билан илмий баҳсларим фақатгина бир неча ҳафта давом этди. Илмий назарияларим бошдан-охиригача тамоман Ислом таълимотларига мувофиқ келганида шодлигимнинг чек-чегараси йўқ эди.

Инсоннинг бу динни (яъни, Ислом динини) қабул қилиши, Қуръони карим таълимотига асосан, ўзининг шахсий қаноатидан келиб чиқмоғи лозимдир,

ҳаргиз зўравонлик билан динга киргизиш мумкин эмас. Исо алайҳиссалом ҳам худди шу маънони ифода қилиб, ҳаворийларга қарата:

«Бирор киши сизларнинг даъватларингизни қабул этмаса, қулоқ ҳам солмаса, сиз у ердан айрилинг, уларни мажбур қилманг!» деган эди (Авлиё Марко, ви 2).

Мен эътиқодларида собит, ғайратли кўпгина протестантларни биламан. Улар Рим католик черкови таъсиридаги ерларга бориб, католикларни протестант мазҳабига ўтказишни (даъват қилишни эмас!) ўзларининг энг муҳим ва бирламчи вазифалари деб билишади. Ҳеч шубҳа йўқки, бу усул нафси ғаблантирадиган, орадаги жарни яна ҳам чуқурлаштирадиган йўлдир. Бундай йўл кўпинча акс натижа бериб, диндорлар орасида ножўя низолар чиқишига сабаб бўлади.

Афсуслар бўлсинки, христиан миссионерлари мусулмонларга нисбатан тутган йўллари ҳам, айнан шу сиёсат асосига қурилган. Мен бу миссионерларнинг ўзларидан кўра Ийсо алайҳиссалом таълимотларига яқин турувчиларни (яъни, мусулмонларни) христианликка даъват қилишларини тушуна олмайман. Мен мусулмонларни, ҳазрат Ийсо алайҳиссалом таълимотига яқин турувчилар, ҳа, ҳа, яқин турувчилар, дедим, чунки яхшилик, олижаноблик, фикр доирасининг кенглиги, ҳақиқатан ҳам Ислом эътиқодида Исо алайҳиссалом даъватидан ҳам муфассалроқ эътироф этилган. Насронийлик шу даражада бузилганки, Исо алайҳиссалом таблиғ этган насрониятдан бугун асар ҳам қолмаган. Эски насронийликдаги ҳақиқатларни фақат Исломда топиш мумкин. Бас шундай экан, мен мусулмон бўлиш билан ҳақиқий насронийликка эришдим, дея оламан.

Сўзимнинг исботи учун сизларга «Атнасиан» мазҳабини мисол келтираман. Бу мазҳаб католикчиликда аҳамиятли, обрўли мазҳаблардан бири ҳисобланади. Айнан шу мазҳабда христианликдаги асосий эътиқоддан бири ҳисобланган «Уч Тангри» жуда ҳам тор, ақлдан йироқ суратда талқин қилинади. Уларнинг даъвосича, таслисга ишонмаслик абадул-абад ҳалокатга сабабдир, нажот истовчилар, албатта таслисга ишонмоқликлари шарт. Бошқача қилиб айтганда, биз Раҳмли, Меҳрибон, Улуғ деб эътиқод қилиб турган Роббимизни зулм, қаҳр ва шунга ўхшаш сифатлар билан сифатлаш лозим бўлади. Субҳоналлоҳ! Аллоҳнинг буюк сифатлари таслисга эътиқод қилувчи заиф бандаларнинг тасаввуридан баландроқдир.

Яна бошқа бир мисол келтираман. У ҳам бўлса, христианликнинг муҳаббат ва яхшилик борасидаги йўқсиллигидир. Ислонни қабул қилмоқчи бўлиб юрган пайтларимда бир хат олдим. Хатда баён қилинишича, агар мен Ийсо алайҳиссаломни Илоҳ деб билмасам, ҳаргиз нажот топмаслигим билдирилган эди. Бу ердаги масала Ийсо алайҳиссаломнинг илоҳ ёки илоҳ эмасликларида эмас, балки Ийсо алайҳиссалом Аллоҳ томонидан юборилган рисолатни инсонларга етказдими ё йўқми – шу ҳақдадир. Агар бу масалада озгина бўлса ҳам шубҳа бўлганида, бу мени жуда ҳам безовта қилган бўларди. Лекин Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бу хусусда менда ҳеч бир шубҳа бўлмади. Аллоҳ таолодан сўрайманки, менинг Ийсо алайҳиссаломга ва у кишининг таълимотларига бўлган ишончимни ҳар бир мусулмон ишончи каби давом эттирсин. Эътиқодимча, юқорида ҳам бир неча мартаба таъкидлаб ўтганимдек, Ислон ва Ийсо алайҳиссалом даъват қилган дин аслида эгиз динлардир. Уларнинг ораларидаги баъзи назария ва истилоҳотлардаги тафовутлар аслида аҳамиятсиз фарқлардир.

Бизнинг замонамизда одамлардан турли йўналишдаги мазҳабларга ишониш талаб қилинганда бу нарса акс таъсир бериб, умуман Аллоҳ таолога иймоннинг тарк қилинишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, айти шу вақтнинг ўзида инсоният ақлу тафаккурни тўғри йўлга солгувчи, инсон туйғуларига муносиб динга чанқоқ ва муҳтождир.

Мен текшириб кўриб шунга амин бўлдимки, бирорта ҳам мусулмон динидан қайтиб атеист бўлмаган экан. Ягона кўринишлар бўлиши мумкин. Лекин мен бу динсиз шахсларнинг ҳаммасига ҳам шубҳа ва жирканиш билан қарайман. Эътиқодимча, миллионлаб насроний ва бошқа диндаги эркак ва аёллар қалбан муслимдирлар. Уларни қалбларидаги иймонни ошкор қилишдан тўсиб турган нарса: урф-одат, танқид, тухмат ва ошкор қилишдан кейин бўладиган мушкулотлардир. Бизнинг мактабларимизда ҳозир ҳам Ислон дини Аллоҳга ишонмаганларнинг дини сифатида танитилмоқда.

Мен Ислонни қабул қилганимни эълон қилаётганимда, қатъий ишонардимки, қариндошлар, дўст-биродарлар мени йўлдан адашди, энди унга ҳеч қандай панду насиҳат фойда бермайди, деб ҳисоблашади.

Шунга қарамасдан, менинг эътиқодим аввалгидай собит. Эълоним халққа фойдали бўлиши билан бирга, халқ назаридаги обрўйимнинг кўтарилишига ҳам сабаб бўлди.

Мен қисқача қилиб Ислонни қабул қилишимга сабаб бўлган воситаларни баён қилиб бердим. Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, шу муборак одим туфайли мен аввалгидан кўра кўпроқ ҳақиқий насронийликка яқинлашдим. Бошқаларни ҳам ушбу йўлга чақираман: Ана шу ҳақиқий тўғри йўлдир. Ҳақиқий саодат эса, Ҳақни топишда!

«Биз нега мусулмон бўлдик» китобидан